САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АСОМИДДИН ТУЛКИНОВИЧ

БАЪЗИ СОНИ САҚЛАНМАЙДИГАН ЗАРРАЧАЛАР СИСТЕМАСИГА МОС УМУМЛАШГАН ФРИДРИХС МОДЕЛИ СПЕКТРАЛ ТАҲЛИЛИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АСОМИДДИН ТУЛКИНОВИЧ

БАЪЗИ СОНИ САҚЛАНМАЙДИГАН ЗАРРАЧАЛАР СИСТЕМАСИГА МОС УМУМЛАШГАН ФРИДРИХС МОДЕЛИ СПЕКТРАЛ ТАҲЛИЛИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/FM109 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лакаев Саидахмат Норжигитович** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Ғанихўжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Хайруллаев Исматилло Нуриллаевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар панжарадаги сони сақланмайдиган заррачалар системасига мос умумлашган Фридрихс моделини, хусусан панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос s-d алмашиниш моделларини ўрганишга келтирилади. Тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар пайдо бўлишини тавсифлашда фойдаланиладиган Бозе-Хаббард модели, хусусан, панжарадаги икки заррачали Шредингер операторлари экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ҳамда квант майдонлар назарияси ва статистик физикада учрайдиган Шредингер операторлари, умумлашган Фридрихс модели, хусусан s-d алмашиниш моделларига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектри ва резонансларини ўрганиш ҳақидаги муаммо замонавий математик анализнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу масала панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос умумлашган Фридрихс модели спектри ва резонансларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос умумлашган Фридрихс моделини икки заррачали Шредингер оператори ёрдамида аниқлаш ва унинг спектрини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос умумлашган Фридрихс модели, хусусан s-d алмашиниш модели муҳим спектри ўрнини тавсифлаш; s-d алмашиниш моделига мос, панжарадаги икки заррачали Шредингер типли оператор спектридаги бўсаға ҳодисасини ўрганиш мақсадли илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган математик анализнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, панжарадаги сони сақланадиган ва сақланмайдиган икки заррачали системага мос Фридихс моделларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Умумлашган Фридрихс моделлари узлуксиз спектри, хос қийматлари, хос қийматларнинг пайдо бўлиши ва ютилиши, хос қийматлар сонини аниқлашга оид салмоқли натижаларга эришилди. «Математика, физика, амалий математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари» этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда квант майдонлар назарияси ва чизиқли операторларнинг спектрал назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атом ва молекуляр ҳамда қаттиқ жисмлар физикаси, статистик физика, математик-физика, квант майдонлар назариясининг асосий масалалари аксарият ҳолларда умумлашган Фридрихс модели, s-d алмашиниш модели ва Бозе-Хаббард модели деб аталувчи чизиқли чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар махсус синфларининг спектрал хоссаларини ўрганишга келтирилади.

К.О. Фридрихс томонидан биринчи бўлиб, ўз-ўз қўшма операторлар қўзғалишлар назарияси модели сифатида эркли ўзгарувчига кўпайтириш ва унинг интеграл оператор ёрдамидаги қўзғалиши киритилган. Кейинчалик О.А.Ладиженская ва Л.Д.Фаддеевларнинг ишларида бу оператор Фридрихс модели деб аталган ҳамда Шредингер операторини ўрганиш масаласи Фридрихс моделини ўрганиш масаласига келтирилган. Фридрихс моделида узлуксиз спектрнинг карралилиги ўзгармас, шунинг учун С.Н.Лакаев томонидан умумлашган Фридрихс модели узлуксиз спектрнинг карралилиги ўзгарувчан бўлган ҳол модели сифатида киритилди. Бу моделнинг спектрал хоссалари, яъни узлуксиз спектри, хос қийматлари ва резонанслари, хос қийматларнинг пайдо бўлиши ва ютилиши, ҳамда хос қийматлар сонининг чеклилиги Р.А.Минлос, С.Н.Лакаев, Ж.И.Абдуллаев, С.А.Степен, С.Албеверио, Е.Л.Лакштанов, Э.Р.Акчурин, И.А.Икромов, М.Э.Муминов, Ф.Ш.Шарипов, З.Э.Муминов, Ю.Х.Эшқобилов, Т.Ҳ.Расулов, Ш.М.Латипов ва Ш.Х.Қурбонов ишларида ўрганилган.

С.Н.Лакаев, Ж.И.Абдуллаевларнинг ишларида заррачалар сони иккидан ошмайдиган системага мос умумлашган Фридрихс моделининг хос қийматлари ва резонанслари ҳамда улар сонининг чеклилиги исботланган.

С.А.Степен ва М.Э.Муминов ишларида ўз-ўзига қўшма бўлмаган Фридрихс моделининг спектрал хоссалари ўрганилган, жумладан хос қийматлари сонининг чеклилик шартлари топилган. Ҳозирги пайтда ҳам умумлашган Фридрихс модели, хусусан s-d алмашиниш моделининг спектрал хоссаларини тадқиқ қилишга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг Ф4-ФА-Ф079

«Панжарадаги сони сақланмайдиган заррачалар системаси гамильтонианларининг спектрал таҳлили» (2012-2016 йй) ва ОТ-Ф4-66 «Панжарадаги чекли сондаги заррачалар системаси моделлари. Энергия операторларининг муҳим ва дискрет спектрлари» (2017-2018 йй) мавзусидаги илмий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, s-d алмашиниш моделининг ва s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали Шредингер типли операторининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир ва икки ўлчамли панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжудлигини исботлаш;

ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳамда муҳим спектр чап чеккасининг виртуал сатҳ ёки хос қиймат бўлишини оператор параметрларига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг барча қийматларида s-d алмашиниш моделига мос, бир ва икки ўлчамли панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторининг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжудлигини кўрсатиш;

s-d алмашиниш моделига мос, ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторнинг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳамда муҳим спектр чап чеккасининг сингуляр нуқта бўлишини алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг қийматларига боғлиқ ҳолда аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос s-d алмашиниш модели ва s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали Шредингер типли оператори.

Тадқиқотнинг предмети панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос s-d алмашиниш модели ва s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали Шредингер типли операторларининг спектрал тадқиқотлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, математик физика, функционал анализ, ўз-ўзига қўшма операторлар назарияси ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси умумий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир ва икки ўлчамли панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжудлиги исботланган;

ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда муҳим спектр чап четкасининг виртуал сатҳ ёки хос қиймат бўлиши оператор параметрларига боғлиқ ҳолда аниқланган;

алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг барча қийматларида s-d алмашиниш моделига мос, бир ва икки ўлчамли панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторининг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжудлиги кўрсатилган;

s-d алмашиниш моделига мос, ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторнинг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда муҳим спектр чап четкасининг сингуляр нуқта бўлиши алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг қийматларига боғлиқ ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Умумлашган Фридрихс модели боғланган ҳолатларининг аналитиклиги ҳақидаги хулосалардан қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш ва сонли ҳисоблашларда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Математик анализ, математик физика, функционал анализ, ўз-ўзига қўшма операторлар назарияси ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, квант механикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, статистик физика ва квант майдонлар назарияси, хусусан, панжарадаги сони сақланмайдиган заррачалар системаси гамильтонианларининг спектрлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар қаттиқ жисмлар физикасида мураккаб объектлар ҳосил бўлишини кўрсатувчи экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Баъзи сони сақланмайдиган заррачалар системасига мос умумлашган Фридрихс модели спектрал таҳлилига оид олинган натижалар асосида:

панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, s-d алмашиниш моделининг ва s-d алмашиниш моделига мос, панжарадаги икки заррачали Шредингер типли операторининг хос қиймати мавжудлигини кўрсатиш усулларидан Q.J130000.2626.14J72 рақамли хорижий грантида олмос панжарадаги икки заррачали Шредингер операторлари учун қўлланилган (Малайзия технология университетининг 2019 йил 18 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши олмос панжарадаги Шредингер операторининг муҳим спектрдан ташқарида ётувчи дискрет спектрининг чеклилигини кўрсатиш имконини берган;

панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, s-d алмашиниш моделининг ягона хос қиймати мавжудлиги ва s-d алмашиниш моделига мос, панжарадаги икки заррачали Шредингер типли операторининг хос қиймати мавжуд бўлишига оид натижалардан Ф-4-17 рақамли «Чизиқли бўлмаган алгебраик ва дифференциал тенгламалар системаларини ҳамда тебранувчи интегралларни тадқиқ этишда янги методларни ишлаб чиқиш ва уларнинг татбиқлари» номли тадқиқот лойиҳасида тебранувчан интегралларнинг тебраниши кўрсаткичини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 июндаги 89-03-2434-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Шредингер оператори дисперсион муносабати орқали аниқланган тебранувчан интегралнинг тебраниши кўрсаткичини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 98 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Дастлабки маълумотлар»** деб номланувчи биринчи бобида асосий натижаларни баён қилиш учун зарур бўлган тушунча ва тасдиқлар, жумладан чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясининг зарур теоремалари баён қилинган. Бундан ташқари панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системаси гамильтонианига мос келувчи, s-d алмашиниш моделининг Фок фазосининг қирқилган инвариант қисм фазосидаги торайиши сифатида аниқланган операторнинг координата ва импульс кўринишлари киритилган. s-d алмашиниш моделига мос икки заррачали гамильтониан эса икки заррачали Шредингер типли операторга келтирилган.

Диссертациянинг **«Панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, s-d алмашиниш моделининг боғланган ҳолатлари»** деб номланувчи иккинчи бобида панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, s-d алмашиниш моделининг спектрал хоссаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Иккинчи боб асосий натижаларининг қатъий математик баёнига ўтамиз.

Фараз қилайлик, $\mathrm{T}^d=(-\pi,\pi]^d$ - d- ўлчамли тор, $\eta(dp)=\dfrac{d^d p}{(2\pi)^d}$ эса- T^d торда аниқланган Хаар ўлчови, Z^d- $d-$ ўлчамли кубик панжара ҳамда $\ell^2(\mathrm{Z}^d)-$ Z^dда аниқланган квадрати билан жамланувчи функциялар Ҳилберт фазоси ва $\ell^1(\mathrm{Z}^d)-\mathrm{Z}^d$да аниқланган жамланувчи функциялар Банах фазоси бўлсин.

$\hat{\mathrm{H}}_0=\left\{\hat{f}_0:\mathrm{Z}^d\to\mathrm{X}\|\ \hat{f}_0(x)=0,\quad x\in\mathrm{Z}^d\setminus\{\theta\}\right\}$ орқали $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ фазонинг қисм фазосини белгилаймиз.

$\hat{\mathrm{H}}=\hat{\mathrm{H}}_0\oplus\hat{\mathrm{H}}_1$ билан $\hat{\mathrm{H}}_0$ ва $\hat{\mathrm{H}}_1:=\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ Ҳилберт фазоларининг тўғри йиғиндисидан иборат Ҳилберт фазосини белгилаймиз.

Шуни таъкидлаймизки, $\hat{\mathrm{H}}$ Ҳилберт фазоси s-d алмашиниш модели аниқланган, Z^d панжарадаги чексиз сондаги заррачалардан ташкил топган системага мос Фок фазосининг панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос қирқилган қисм фазоси бўлади.

Ихтиёрий фиксирланган $k\in\mathrm{T}^d$ва $d\geq 1$ лар учун $\hat{F}_A(k)-$ операторни панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системаси гамилтонианига мос келувчи, яратувчи ва йўқотувчи операторлар ҳамда нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган, s-d алмашиниш моделининг $\hat{\mathrm{H}}$ фазодаги торайиши сифатида аниқлаймиз.

$\hat{F}_A(k)-$ оператор $\hat{\mathrm{H}}$ Ҳилберт фазосида координата кўринишда қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$\hat{F}_A(k)\begin{pmatrix}\hat{f}_0(x)\\ \hat{f}_1(x)\end{pmatrix}=\begin{pmatrix}\left(\hat{E}_e(k)\hat{f}_0\right)(x)+\left(\hat{C}^*\hat{f}_1\right)(x)\\ \left(\hat{C}\,\hat{f}_0\right)(x)+\left(\hat{H}_A(k)\hat{f}_1\right)(x)\end{pmatrix}.$$

Бунда

$$\hat{C}^*:\hat{\mathrm{H}}_1\to\hat{\mathrm{H}}_0,\qquad \left(\hat{C}^*\hat{f}_1\right)(x)=-\frac{A}{2}\sqrt{2S}\,\delta_{x0}\,\hat{f}_1(x)\quad \text{ва}$$

$$\hat{C}:\hat{\mathrm{H}}_0\to\hat{\mathrm{H}}_1,\qquad \left(\hat{C}\,\hat{f}_0\right)(x)=-\frac{A}{2}\sqrt{2S}\,\hat{f}_0(x)$$

мос равишда яратувчи ва йўқотувчи операторлар, $S>0$ ва $\delta_{x0}-$ Кронекер символи. $\hat{E}_e(k)$, $k\in\mathrm{T}^d$, оператор $\hat{\mathrm{H}}_0$ Ҳилберт фазосида кўпайтириш оператори бўлиб, қуйидагича аниқланган:

$$\left(\hat{E}_e(k)\hat{f}_0\right)(x)=\frac{1}{e}\varepsilon(k)\,\hat{f}_0(x),$$

бу ерда $e>0-$ электрон массаси ва

$$\varepsilon(k)=2\sum_{i=1}^{d}\left(1-\cos k_i\right).$$

Фиксирланган тўла квазиимпулсли, s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали система дискрет оператори $\hat{H}_A(k)$, $k\in\mathrm{T}^d$, $d\geq 1$, $\hat{\mathrm{H}}_1$ фазода қуйидаги формула билан аниқланган:

$$\hat{H}_A(k)=\hat{H}_0(k)+\frac{A}{2}V,\quad k\in\mathrm{T}^d,\tag{1}$$

бу ерда $\hat{H}_0(k), k\in\mathrm{T}^d$, ўрама типидаги оператор бўлиб, қуйидаги кўринишга эга

$$\left(\hat{H}_0(k)\hat{f}_1\right)(x)=\sum_{y\in\mathrm{Z}^d}\hat{\varepsilon}_k(x-y)\,\hat{f}_1(y),\quad \hat{f}_1\in\hat{\mathrm{H}}_1,$$

бунда

$$\hat{\varepsilon}_k(x)=\frac{1}{e}\hat{\varepsilon}(x)+\frac{1}{m}\mathrm{e}^{-\mathrm{i}(k,x)}\hat{\varepsilon}(-x)-AS\delta_{x0}.$$

Бу ерда $m>0-$ магнон массаси, $(k,x)=\sum_{i=1}^{d}k_ix_i$, $k\in\mathrm{T}^d, x\in\mathrm{Z}^d$ ва

$$\hat{\varepsilon}(x)=\begin{cases}2d, & \text{агар}\quad x=0\\ -1, & \text{агар}\quad |x|=1,\qquad |x|=|x_1|+\ldots+|x_d|.\\ 0, & \text{агар}\quad |x|>1\end{cases}$$

$\hat{V}$ оператор $\hat{v}$ функцияга кўпайтириш оператори:

$$\left(\hat{V}\hat{f}_1\right)(x)=\hat{v}(x)\,\hat{f}_1(x),\quad \hat{f}_1\in\hat{\mathrm{H}}_1,$$

бунда

$$\hat{v}(x)=\begin{cases}1, & \text{агар}\quad x=0\\ 0, & \text{агар}\quad x\neq 0\end{cases}.$$

$\hat{V}$ компакт оператор эканлигидан Г.Вейл теоремасига кўра $\hat{H}_A(k)$

операторнинг муҳим спектри $\hat{H}_0(k)$ операторнинг муҳим спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}\left(\hat{H}_A(k)\right)=\sigma_{ess}\left(\hat{H}_0(k)\right)=\sigma\left(\hat{H}_0(k)\right)=\left[\varepsilon_{\min}(k),\varepsilon_{\max}(k)\right],$$

бунда

$$\varepsilon_{\min}(k):=\min_{q\in \mathrm{T}^d}\varepsilon_k(q)=2\sum_{i=1}^{d}\left[\frac{e+m}{em}-C_{em}(k_i)\right]-AS$$

$$\varepsilon_{\max}(k):=\max_{q\in \mathrm{T}^d}\varepsilon_k(q)=2\sum_{i=1}^{d}\left[\frac{e+m}{em}+C_{em}(k_i)\right]-AS,$$

бу ерда

$$C_{em}(k_i)=\frac{1}{em}\sqrt{e^2+m^2+2em\cos k_i} \tag{2}$$

ва $\varepsilon_k(\cdot)$ функция $\hat{\varepsilon}_k(\cdot)$ функциянинг Фурье алмаштиришидан иборат, яъни

$$\varepsilon_k(q)=\left(\Phi\,\hat{\varepsilon}_k\right)(q)=\sum_{x\in \mathrm{Z}^d}\hat{\varepsilon}_k(x)\mathrm{e}^{\mathrm{i}(q,x)}.$$

Шуни қайд қилиб ўтишимиз жоизки, $\hat{F}_A(k),\, k\in \mathrm{T}^d$, операторнинг муҳим спектри учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\sigma_{ess}\left(\hat{F}_A(k)\right)=\sigma_{ess}\left(\hat{H}_A(k)\right).$$

1-Эслатма. *Фараз қилайлик $e=m$ ва $k=(k_1,\ldots,k_d)\in \mathrm{T}^d$ векторнинг фақат $n\le d$ координатаси π га тенг бўлсин. У ҳолда $\varepsilon_k(\cdot)$ функция қуйидаги кўринишда тасвирланади:*

$$\varepsilon_k(q)=\frac{4}{e}\sum_{j=1}^{d-n}\left[1-\cos\frac{k_j}{2}\cos\left(q_j-\frac{k_j}{2}\right)\right]-AS.$$

Бу ҳолда $\hat{F}_A(k),\ k\in \mathrm{T}^d$, операторнинг спектрал хоссаларини ўрганиш масаласи $d-n$ ўлчамли ҳолга келтирилади. Шунинг учун, умумийликка зарар етказмаслик учун бундан буён $e\neq m$ деб фараз қиламиз.

1-Теорема. *Фараз қилайлик $d=1,2$ ва $m(k)=\min\left\{\frac{1}{e}\varepsilon(k),\varepsilon_{\min}(k)\right\}$ бўлсин. У ҳолда $\hat{F}_A(k)$ оператор $(-\infty,m(k))$ оралиқда ягона $z_A(k)$ хос қийматга эга бўлади. Унга мос $\hat{f}_k\in\hat{\mathrm{H}}$ хос вектор:*

$$\hat{f}_k=(\hat{f}_{0,k},\hat{f}_{1,k}),\qquad \begin{cases} \hat{f}_{0,k}(x)=\dfrac{\frac{A}{2}\sqrt{2S}C\delta_{x0}}{\frac{1}{e}\varepsilon(k)-z_A(k)}\in\hat{\mathrm{H}}_0 \\ \hat{f}_{1,k}(x)=\dfrac{AC}{2}\left(\dfrac{AS}{\frac{1}{e}\varepsilon(k)-z_A(k)}-1\right)\displaystyle\int_{\mathrm{T}^d}\frac{\mathrm{e}^{-\mathrm{i}(q,x)}\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q)-z_A(k)}\in\hat{\mathrm{H}}_1, \end{cases} \tag{3}$$

кўринишга эга бўлади, бунда $C-$ нормалловчи кўпайтувчи. Бундан ташқари, $z_A(\cdot)$ функция T^d да аналитик, $\hat{f}:\mathrm{T}^d\to\hat{\mathrm{H}}$, $k\to\hat{f}_k\in\hat{\mathrm{H}}$ акслантириш *эса* T^d *даги вектор қийматли аналитик акслантириш бўлади.*

Фиксирланган $e, m, S > 0, A < 0$ ларда қуйидаги тўпламларни аниқлаймиз:

$$D^{\leq} = \left\{ k \in \mathrm{T}^d : \frac{1}{e}\varepsilon(k) - \varepsilon_{\min}(k) \leq 0 \right\}, D^{>} = \left\{ k \in \mathrm{T}^d : \frac{1}{e}\varepsilon(k) - \varepsilon_{\min}(k) > 0 \right\}.$$

2-Теорема. *Фараз қилайлик* $d \geq 3$ *бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $k \in D^{\leq}$ *учун* $\hat{F}_A(k)$ *оператор* $(-\infty, \frac{1}{e}\varepsilon(k))$ *оралиқда ягона* $z_A(k)$ *хос қийматга эга бўлади. Унга мос* $\hat{f}_k \in \hat{\mathrm{H}}$ *хос вектор (3) кўринишга эга бўлади.*

Қуйидаги формула орқали ихтиёрий $k \in \mathrm{T}^d$ учун $\mathrm{X} \setminus \sigma_{ess}\left(\hat{F}_A(k)\right)$ да аналитик бўлган $a(k;\cdot)$ функцияни аниқлаймиз:

$$a(k;\cdot) = \int_{\mathrm{T}^d} \frac{\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q) - z}.$$

Фараз қилайлик $d \geq 3$ бўлсин. У ҳолда барча $k \in \mathrm{T}^d$ учун қуйидаги чекли

$$a(k) := \lim_{z \to \varepsilon_{\min}(k)-} a(k;z) = \int_{\mathrm{T}^d} \frac{\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q) - \varepsilon_{\min}(k)} > 0 \tag{4}$$

лимит мавжуд бўлади.

Фараз қилайлик $\ell^0(\mathrm{Z}^d) -$ Z^d да аниқланган чексизликда нолга интилувчи функциялар Банах фазоси бўлсин.

1-Таъриф. *Фараз қилайлик* $d \geq 3$ *бўлсин. Агар* $\hat{F}_A(k)\hat{f} = \varepsilon_{\min}(k)\hat{f}$ *тенглама нолмас* $\hat{f} := \hat{f}_k = (\hat{f}_{0,k}, \hat{f}_{1,k}),$ $\hat{f}_{0,k} \in \hat{\mathrm{H}}_0,$ $\hat{f}_{1,k} \in \ell^0(\mathrm{Z}^d) \setminus \ell^2(\mathrm{Z}^d)$ *ечимга эга бўлса, у ҳолда* $z = \varepsilon_{\min}(k)$ *сони* $\hat{F}_A(k)$, $k \in \mathrm{T}^d$, *операторнинг виртуал сатҳи дейилади. Бу ҳолда* $\hat{f}$ *нолмас ечимни* $\hat{F}_A(k)$ *операторнинг виртуал ҳолати деймиз.*

Фараз қилайлик $d \geq 3$ бўлсин. Ихтиёрий $k \in \mathrm{T}^d$ учун

$$A_0(k) = \frac{-2\mu(k)}{2S + a(k)\mu(k)} \leq 0$$

сонни аниқлаймиз, бунда $\mu(k) = \frac{m}{2}\sum_{i=1}^{d}\left[\frac{1}{e^2} - \left[C_{em}(k_i) - \frac{1}{m}\right]^2\right]$. $C_{em}(k_i)$ ва $a(k)$ лар мос равишда (2) ва (4) формулалар орқали аниқланган.

Ихтиёрий $A < 0$ учун қуйидаги тўпламларни киритамиз:

$$B^{<}(A)=\{k\in D^{>}:\quad A<A_0(k)\},$$
$$B^{=}(A)=\{k\in D^{>}:\quad A=A_0(k)\},$$
$$B^{>}(A)=\{k\in D^{>}:\quad A>A_0(k)\}.$$

3-Теорема. *(i) Агар $d\ge 3$ ва $k\in B^{<}(A)$ бўлса, у ҳолда $\hat{F}_A(k)$ оператор $(-\infty,\varepsilon_{\min}(k))$ оралиқда ягона $z_A(k)$ хос қийматга эга бўлади. Унга мос $\hat{f}:=\hat{f}_k=(\hat{f}_{0,k},\hat{f}_{1,k})$, $\hat{f}_{0,k}\in\hat{\mathrm{H}}_0$, $\hat{f}_{1,k}\in\hat{\mathrm{H}}_1$ хос вектор (3) кўринишга эга бўлади.*

(ii) Агар $d\ge 3$ ва $k\in B^{>}(A)$ бўлса, у ҳолда $\hat{F}_A(k)$ оператор $\sigma_{ess}(\hat{F}_A(k))$ муҳим спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматга эга бўлмайди.

(iii) Агар $d\ge 3,4$ ва $k\in B^{=}(A)$ бўлса, у ҳолда $z=\varepsilon_{\min}(k)$ сони $\hat{F}_A(k)$ операторнинг виртуал сатҳи бўлади ва мос виртуал ҳолат қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\hat{f}:=\hat{f}_k=(\hat{f}_{0,k},\hat{f}_{1,k}),\qquad \begin{cases} \hat{f}_{0,k}(x)=\dfrac{\frac{A}{2}\sqrt{2S}C\delta_{x0}}{\frac{1}{e}\varepsilon(k)-\varepsilon_{\min}(k)}\in\hat{\mathrm{H}}_0\\ \hat{f}_{1,k}(x)=\dfrac{AC}{2}\left(\dfrac{AS}{\frac{1}{e}\varepsilon(k)-\varepsilon_{\min}(k)}-1\right)\times\\ \times\displaystyle\int_{\mathrm{T}^d}\frac{\mathrm{e}^{-\mathrm{i}(q,x)}\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q)-\varepsilon_{\min}(k)}\in\ell^0(\mathrm{Z}^d)\setminus\ell^2(\mathrm{Z}^d),\end{cases}\tag{5}$$

бунда, $C-$ нормалловчи кўпайтувчи.

(iv) Агар $d\ge 5$ ва $k\in B^{=}(A)$ бўлса, у ҳолда $z=\varepsilon_{\min}(k)$ сони $\hat{F}_A(k)$ операторнинг хос қиймати бўлади ва унга мос $\hat{f}:=\hat{f}_k=(\hat{f}_{0,k},\hat{f}_{1,k})$ хос вектор (5) кўринишга эга бўлади, бунда $\hat{f}_{0,k}\in\hat{\mathrm{H}}_0$, $\hat{f}_{1,k}\in\hat{\mathrm{H}}_1$.

Диссертациянинг **«s-d алмашиниш моделига мос, панжарадаги икки заррачали Шредингер типли оператор спектридаги бўсаға ҳодисаси»** деб номланувчи учинчи бобида (1) формула билан аниқланган, жуфт-жуфти билан қисқа масофада тортишиб таъсирлашувчи потенциалларининг кенг синфи учун s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали Шредингер типли операторининг муҳим спектридаги бўсаға ҳодисасини ўрганишга бағишланган.

Учинчи боб асосий натижаларининг қатъий математик баёнига ўтамиз.

Фараз қилайлик $d\ge 1$ ва $\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d)-$ номанфий функция бўлсин. Ихтиёрий $z<\varepsilon_{\min}(k)$ учун $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ фазода қуйидаги формула орқали таъсир этувчи $\hat{B}_A(k,z)$, $k\in\mathrm{T}^d$, Бирман-Швингер интеграл операторини аниқлаймиз:

$$\hat{B}_A(k,z) := -\frac{A}{2}\hat{V}^{\frac{1}{2}}\hat{R}_0(k,z)\hat{V}^{\frac{1}{2}}.$$

Бу ерда $\hat{V}^{\frac{1}{2}}$ – оператор $\hat{V}$ номанфий операторнинг мусбат квадрат илдизи:

$$\hat{V}^{\frac{1}{2}}\hat{f}(x) = \hat{v}^{\frac{1}{2}}(x)\hat{f}(x), \quad \hat{f} \in \ell^2(\mathrm{Z}^d),$$

$\hat{R}_0(k,z) := \Phi^{-1}R_0(k,z)\Phi$ – оператор- $\hat{H}_0(k)$ операторнинг $z \in \mathrm{X} \setminus \sigma_{ess}\left(\hat{H}_0(k)\right)$ нуқтадаги резолвентаси, $R_0(k,z)$ – оператор эса $H_0(k) := \Phi\hat{H}_0(k)\Phi^{-1}$ операторнинг $z \in \mathrm{X} \setminus \sigma_{ess}\left(\hat{H}_0(k)\right)$ нуқтадаги резолвентаси.

$\hat{B}_A(k,z)$ Бирман-Швингер операторининг ядроси қуйидаги кўринишга эга

$$\hat{\mathrm{B}}(k,z;x,y) := -\frac{A}{2}\hat{v}^{\frac{1}{2}}(x)\hat{\mathrm{P}}_0(k,z;y-x)\hat{v}^{\frac{1}{2}}(y), \quad x,y \in \mathrm{Z}^d,$$

бунда

$$\hat{\mathrm{P}}_0(k,z;x) := \int_{\mathrm{T}^d} \frac{\mathrm{e}^{\mathrm{i}(q,x)}\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q)-z}, \quad x \in \mathrm{Z}^d.$$

Фараз қилайлик $d \geq 3$ бўлсин. Ихтиёрий $x,y \in \mathrm{Z}^d$ ва $k \in \mathrm{T}^d$ лар учун қуйидаги функцияларни аниқлаймиз:

$$\hat{\mathrm{P}}_0(k,\varepsilon_{\min}(k);x) := \int_{\mathrm{T}^d} \frac{\mathrm{e}^{\mathrm{i}(q,x)}\eta(\mathrm{d}q)}{\varepsilon_k(q)-\varepsilon_{\min}(k)},$$

$$\hat{\mathrm{B}}(k,\varepsilon_{\min}(k);x,y) := -\frac{A}{2}\hat{v}^{\frac{1}{2}}(x)\hat{\mathrm{P}}_0(k,\varepsilon_{\min}(k);y-x)\hat{v}^{\frac{1}{2}}(y).$$

$\hat{\mathrm{P}}_0(\cdot,\varepsilon_{\min}(\cdot);\cdot)$ ва $\hat{\mathrm{B}}(\cdot,\varepsilon_{\min}(\cdot);\cdot,\cdot)$ функцияларнинг баъзи хоссаларини келтирамиз.

1-Лемма. *Фараз қилайлик $d \geq 3$ ва $\hat{v} \in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$ – номанфий функция бўлсин.*

(i) Ихтиёрий $x \in \mathrm{Z}^d$ да $\hat{\mathrm{P}}_0(\cdot,\varepsilon_{\min}(\cdot);x)$ функция T^d да голоморф бўлади.

(ii) Ихтиёрий $x,y \in \mathrm{Z}^d$ ларда $\hat{\mathrm{B}}(\cdot,\varepsilon_{\min}(\cdot);x,y)$ функция T^d да голоморф бўлади.

(iii) Ихтиёрий $k \in \mathrm{T}^d$ да $\hat{\mathrm{B}}(k,\varepsilon_{\min}(k);\cdot,\cdot)$ ядро функцияси $\mathrm{Z}^d \times \mathrm{Z}^d$ да квадрати билан жамланувчи бўлади.

2-Таъриф. *Фараз қилайлик $d \geq 3$ ва $\hat{v} \in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$ – номанфий функция бўлсин. $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ фазода қуйидаги формула орқали таъсир этувчи умумлашган(лимитик) $\hat{B}_A(k,\varepsilon_{\min}(k))$, $k \in \mathrm{T}^d$, Бирман-Швингер интеграл операторини аниқлаймиз:*

$$\left[\hat{B}_A(k,\varepsilon_{\min}(k))\hat{\psi}\right](x) := \frac{A}{2}\hat{V}^{\frac{1}{2}}\hat{R}_0(k,\varepsilon_{\min}(k))\hat{V}^{\frac{1}{2}}\hat{\psi}\ (x) = \sum_{y\in Z^d}\hat{\mathrm{B}}(k,\varepsilon_{\min}(k);x,y)\hat{\psi}(y),$$

бунда

$$\left[\hat{R}_0(k,\varepsilon_{\min}(k))\hat{\psi}\right](x) := \sum_{y\in Z^d}\hat{\mathrm{P}}_0(k,\varepsilon_{\min}(k);y-x)\hat{\psi}(y), \quad \hat{\psi}\in \ell^1(\mathrm{Z}^d).$$

3-Таъриф. *Фараз қилайлик* $d\ge 3$ *бўлсин. Агар* 1 *сони* $\hat{B}_A(k,\varepsilon_{\min}(k))$, $k\in \mathrm{T}^d$, *операторнинг хос қиймати бўлса (мос равишда бўлмаса), у ҳолда* $\sigma_{ess}\left(\hat{H}_A(k)\right)$ *муҳим спектрнинг* $z=\varepsilon_{\min}(k)$ *бўсаға қиймати* $\hat{H}_A(k)$, $k\in \mathrm{T}^d$, *оператор муҳим спектрининг сингуляр (мос равишда регуляр) нуқтаси дейилади.*

2-Эслатма. *Фараз қилайлик* $z=\varepsilon_{\min}(k)$ *сони* $\hat{H}_A(k)$, $k\in \mathrm{T}^d$, *оператор муҳим спектрининг сингуляр нуқтаси ва* $\hat{\psi}$ *функция* $\hat{B}_A(k,\varepsilon_{\min}(k))\hat{\psi}=\hat{\psi}$, $k\in \mathrm{T}^d$, *тенгламанинг (ўзгармас кўпайтувчи аниқлигида) нолмас ечими (ўзгармас кўпайтувчи аниқлигида) бўлсин.*

(i) Агар $d=3,4$ *бўлса, у ҳолда*

$$\hat{f} = \sqrt{-\frac{A}{2}}\hat{R}_0(k,\varepsilon_{\min}(k))\hat{V}^{\frac{1}{2}}\hat{\psi}, \quad \hat{\psi}\in \ell^2(\mathrm{Z}^d) \qquad (6)$$

функция $\hat{H}_A(k)\hat{f}=\varepsilon_{\min}(k)\hat{f}$ *тенгламанинг ечими бўлади ва у* $\ell^0(\mathrm{Z}^d)$ *фазога қарашли бўлади.* $\hat{f}\in \ell^0(\mathrm{Z}^d)\setminus \ell^2(\mathrm{Z}^d)$ *бўлган ҳолда* $z=\varepsilon_{\min}(k)$ *сингуляр нуқта* $\hat{H}_A(k)$, $k\in \mathrm{T}^d$, *операторнинг виртуал сатҳи дейилади.*

(ii) Агар $d\ge 5$ *бўлса, у ҳолда (6) кўринишга эга бўлган* $\hat{f}$ *функция* $\hat{H}_A(k)\hat{f}=\varepsilon_{\min}(k)\hat{f}$ *тенгламанинг ечими бўлади ва у* $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ *фазога қарашли бўлади, яъни бу ҳолда* $z=\varepsilon_{\min}(k)$ *сингуляр нуқта* $\hat{H}_A(k)$, $k\in \mathrm{T}^d$, *операторнинг хос қиймати бўлади.*

4-Теорема. *Фараз қилайлик* $d=1,2$ *ва* $\hat{v}\in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$, $\hat{v}\ne 0-$ *номанфий функция бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $A<0$ *ва* $k\in \mathrm{T}^d$ *ларда* $\hat{H}_A(k)$ *оператор* $(-\infty,\varepsilon_{\min}(k))$ *оралиқда* $z_A(k)$ *хос қийматга эга бўлади.*

5-Теорема. *Фараз қилайлик* $d\ge 3$ *ва* $\hat{v}\in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$, $\hat{v}\ne 0-$ *номанфий функция бўлсин.*

(i) Фараз қилайлик бирор $A<0$ *ва* $k\in \mathrm{T}^d$ *ларда*

$$-\frac{1}{2}Aa(k)\max_{s\in Z^d}\hat{v}(s)>1$$

тенгсизлик бажарилсин, бунда $a(\cdot)$ *функция (4) формула билан аниқланган. У ҳолда* $\hat{H}_A(k)$ *оператор* $(-\infty,\varepsilon_{\min}(k))$ *оралиқда* $z_A(k)$ *хос қийматга эга.*

(ii) Фараз қилайлик бирор $A<0$ *ва* $k\in \mathrm{T}^d$ *ларда*

$$-\frac{1}{2}Aa(k)\|\hat{v}\|_{\ell^1(\mathrm{Z}^d)} < 1$$

тенгсизлик бажарилсин. У ҳолда $\hat{H}_A(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}\big(\hat{H}_A(k)\big)$ *муҳим спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматга эга бўлмайди.*

6- Теорема. *Фараз қилайлик* $d \geq 3$ *ва* $\hat{v} \in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$, $\hat{v} \neq 0-$ *номанфий функция,* $k \in \mathrm{T}^d$ *квазиимпулснинг фиксирланган қиймати бўлсин ва бирор* $A_0 < 0$ *учун* $\left\|\hat{B}_{A_0}(k, \varepsilon_{\min}(k))\right\| = 1$ *тенглик бажарилсин. У ҳолда:*

(i) Барча $A < A_0 < 0$ *ларда* $\hat{H}_A(k)$ *оператор* $(-\infty, \varepsilon_{\min}(k))$ *оралиқда* $z_A(k)$ *хос қийматга эга бўлади.*

(ii) $\sigma_{ess}\big(\hat{H}_{A_0}(k)\big)$ *муҳим спектрнинг* $z = \varepsilon_{\min}(k)$ *бўсаға қиймати* $\hat{H}_{A_0}(k)$ *оператор муҳим спектрининг сингуляр нуқтаси (* $\hat{H}_{A_0}(k)$ *операторнинг ё виртуал сатҳи, ёки хос қиймати) бўлади.*

(iii) Барча $0 > A > A_0$ *ларда* $\hat{H}_A(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}\big(\hat{H}_A(k)\big)$ *муҳим спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматга эга бўлмайди.*

Алмашинувчан ўзаро таъсир параметрининг $A_0 < 0$ фиксирланган қиймати учун $k \in \mathrm{T}^d$ квазиимпулс қийматларининг қуйидаги қисм тўпламларини киритамиз:

$$B^{>}(A_0) := \left\{k \in \mathrm{T}^d : \left\|\hat{B}_{A_0}(k, \varepsilon_{\min}(k))\right\| > 1\right\},$$

$$B^{=}(A_0) := \left\{k \in \mathrm{T}^d : \left\|\hat{B}_{A_0}(k, \varepsilon_{\min}(k))\right\| = 1\right\},$$

$$B^{<}(A_0) := \left\{k \in \mathrm{T}^d : \left\|\hat{B}_{A_0}(k, \varepsilon_{\min}(k))\right\| < 1\right\}.$$

7-Теорема. *Фараз қилайлик* $d \geq 3$ *ва* $\hat{v} \in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$, $\hat{v} \neq 0-$ *номанфий функция бўлсин ва бирор* $A_0 < 0$ *учун* $\left\|\hat{B}_{A_0}(k, \varepsilon_{\min}(k))\right\| = 1$ *тенглик бажарилсин. У ҳолда:*

(i) Барча $k \in B^{>}(A_0)$ *ларда* $\hat{H}_{A_0}(k)$ *оператор* $(-\infty, \varepsilon_{\min}(k))$ *оралиқда* $z_{A_0}(k)$ *хос қийматга эга бўлади.*

(ii) Барча $k \in B^{=}(A_0)$ *ларда* $\sigma_{ess}\big(\hat{H}_{A_0}(k)\big)$ *муҳим спектрнинг* $z = \varepsilon_{\min}(k)$ *бўсаға қиймати* $\hat{H}_{A_0}(k)$, $k \in \mathrm{T}^d$ *оператор муҳим спектрининг сингуляр нуқтаси (*$\hat{H}_{A_0}(k)$ *операторнинг ё виртуал сатҳи, ёки хос қиймати) бўлади.*

(iii) Барча $k \in B^{<}(A_0)$ *ларда* $\hat{H}_{A_0}(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}\big(\hat{H}_A(k)\big)$ *муҳим спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматга эга бўлмайди.*

ХУЛОСА

Диссертация иши панжарадаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ этишга; жуфт-жуфти билан қисқа масофада тортишиб таъсирлашувчи потенциалларнинг кенг синфи учун s-d алмашиниш моделига мос, икки заррачали Шредингер типли оператори муҳим спектридаги бўсаға ҳодисасини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Бир ва икки ўлчамли панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжудлиги исботланган.

2. Ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги сони иккидан ошмайдиган заррачалар системасига мос, нуқтада таъсирлашувчи икки заррачали Шредингер типли оператор ёрдамида аниқланган s-d алмашиниш моделининг муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда муҳим спектр чап чеккасининг виртуал сатҳ ёки хос қиймат бўлиши оператор параметрларига боғлиқ ҳолда аниқланган.

3. Алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг барча қийматларида s-d алмашиниш моделига мос, бир ва икки ўлчамли панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторининг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжудлиги кўрсатилган.

4. s-d алмашиниш моделига мос, ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли операторнинг муҳим спектрдан чапда ётувчи хос қиймати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда муҳим спектр чап чеккасининг сингуляр нуқта бўлиши алмашинувчан ўзаро таъсир параметри ва квазиимпулснинг қийматларига боғлиқ ҳолда аниқланган.

5. Квазиимпулснинг қиймати фиксирланиб, алмашинувчан ўзаро таъсир параметри қиймати ўзгарганда ёки алмашинувчан ўзаро таъсир параметри қиймати фиксирланиб, квазиимпулснинг қиймати ўзгарганда s-d алмашиниш моделига мос, ўлчами учдан кам бўлмаган панжаралардаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциал ёрдамида аниқланган икки заррачали Шредингер типли оператори биринчи хос қийматининг муҳим спектрдан чиқиб пайдо бўлиши ва унинг муҳим спектрга ютилиб йўқолиши механизми аниқланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.FM.02.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОЛТАЕВ АСОМИДДИН ТУЛКИНОВИЧ

СПЕКТРАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОБОБЩЕННОЙ МОДЕЛИ ФРИДРИХСА, СООТВЕТСТВУЮЩЕЙ НЕКОТОРОЙ СИСТЕМЕ С НЕСОХРАНЯЮЩИМСЯ ЧИСЛОМ ЧАСТИЦ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/FM109.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Лакаев Саидахмат Норжигитович** доктор физико-математических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Хайруллаев Исматилло Нуриллаевич кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» ______________2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2019 года.
(протокол рассылки №_______ от «____» _______________2019 года).

А.С. Солеев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.М. Халхужаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

И.А.Икромов
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-прикладные исследования, проводимые на мировом уровне, приводятся к исследованию обобщенных моделей Фридрихса, соответствующих системе с несохраняющимся числом частиц на решетке, в частности s-d обменной модели, ассоциированной с системой, состоящей из не более чем двух частиц на решетке. Модель Бозе-Хаббарда, в частности, двухчастичные операторы Шредингера на решетке, используемые для описания существования устойчивых сложных объектов в упорядоченных средах, является теоретическим обоснованием экспериментального наблюдения и теоретической базой для применения. Поэтому развитие исследования операторов Шредингера и обобщенных моделей Фридрихса, в частности s-d обменной модели является одним из приоритетных направлений.

В настоящее время в мире одной из важнейших задач математического анализа и его приложения является задача об исследовании спектров и резонансов самосопряженных операторов. Следует отметить, что эта задача имеет тесную связь с исследованием спектров и резонансов обобщенной модели Фридрихса, соответствующей системе, состоящей из не более чем двух частиц на решетке. В частности, в настоящее время актуальную роль играет определение обобщенной модели Фридрихса, соответствующей системе состоящей из не более чем двух частиц на решетке, определенной с помощью двухчастичного оператора Шредингера с контактным взаимодейтвием, как самосопряженный ограниченный оператор и исследование её спектральных свойств. В связи с этим реализация целевых научных исследований в следующих направлениях является одной из важных задач: описать местонахождение существенного спектра обобщенной модели Фридрихса, в частности s-d обменной модели, соответствующей системе, состоящей из не более чем двух частиц на решетке; исследовать пороговые явления в спектре двухчастичного оператора типа Шредингера, ассоциированного с s-d обменной моделью на решетке.

В нашей стране за годы независимости большое внимание уделялось и продолжает уделяться направлениям современного математического анализа, имеющим фундаментальное и прикладное значения. В частности, особое внимание было уделено исследованию моделей Фридрихса, соответствующих системам с сохраняющимся и несохраняющимся числом частиц. Значительные результаты были достигнуты по нахождению непрерывного спектра, собственных значений, появления и поглощения собственных значений, числу собственных значений обобщенных моделей Фридрихса. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук, на уровне международных стандартов по математике, физике, прикладной математике, обозначено основной задачей и направлением деятельности[1]. Развитие квантовой теории поля и спектральной теории линейных операторов играет важную роль в исполнении постановления.

Исследования данной диссертации в определенной степени служит решению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и № УП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Основные задачи атомной и молекулярной физики, физики твердого тела, статистической физики, математической физики и квантовой теории поля приводятся к изучению спектральных свойств специального класса линейных ограниченных самосопряженных операторов, так называемых модели Фридрихса, s-d обменной модели и модели Бозе-Хаббарда.

